

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус
Таълим Вазирлиги

Жиззах Политехника Институту

«Бошқарув» факультети.

«Ишлаб чиқаришда бошқарув» кафедраси

Кафедра мудири:
доц. Т.Эшонқулов _____

«___» _____ 2010 й

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА

ИЗОХНОМА

**МАВЗУ: «: Корхона тадбиркорлик фаолиятини бошқариш ва
такомиллаштириш (Зийнаткор КТХИЧФ мисолида)»**

БИТИРУВ МАЛАКА ИШИ ТАРКИБИ

Тушунтириш ёзуви _____ 58 _____ бет
График қисми _____ 6 _____ варақ

Талаба: Бобожонова Динора
Малака иши рахбари: Т.Эшонқулов

БЎЛИМЛАР БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАР

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

Жиззах -2010 й

**Мавзу: Корхона тадбиркорлик фаолиятини бошқариш ва
такомиллаштириш (Зийнаткор КТХИЧФ мисолида)**

Мундарижа

Кириш	2
<u>I-боб. Корхонада тадбиркор фаолиятини бошқариш</u>	5
&.1.1. Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг моҳияти	5
&.1.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхонада тадбиркорлик фаолиятини ривожланиш истиқболлари	8
&.1.3. Тадбиркорлик фаолиятининг таҳлили	20
II-Боб. "Зийнаткор" кўп тармоқли хусусий фирмасининг умумий тавсифи	
&.2.1. Корхонанинг ташкил топиши ва бошқаруви кўрсаткичлари	30
&.2.2. Зийнаткор КТИЧ фирмаси 2007-2009 йиллардаги асосий техник- иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили	38
&.2.3. Хаёт фаолияти хавфсизлиги бўлими	41
III-боб. Зийнаткор КТХФнинг тадбиркорлик фаолиятини таҳлил қилиш	43
&.3.1. Фирмани ташкил этиш ва лицензия олиш тартиби	43
&.3.2. "Зийнаткор" КТХФнинг 2007-2009 йиллардаги айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили	49
&.3.3. "Зийнаткор" КТХФнинг 2007-2009 йиллардаги молиявий натижалари таҳлили	51
Хулоса ва таклифлар	53
Адабиётлар рўйхати	56

Кириш

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётининг реал сектори корхоналарининг қўллаб қувватлаш, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмунли жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Мавзунинг долзарблиги: Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётининг реал сектори корхоналарининг қўллаб қувватлаш, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада камайди. Масалан, архитектура режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати 4 баробар, лойиҳа-смета хужжатларини экспертизадан ўтказиш 2,5 баробар кадастр хужжатларини расмийлаштириш қиймати эса 2 баробарга пасайтирилди.

Йил давомида инвентаризация натижасида аниқланган қарийб 2 мингта бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига берилди. Бунда биноларни ижарага бериш тарифлари тадбиркорлик субъектларининг қаерда жойлашгани ва уларнинг фаолияти турига қараб 3 баробардан 10 баробарга қадар камайтирилди.

Ушбу секторга ажратилган кредит ресурсларининг умумий ҳажми 1,8 триллион сўмдан ошди¹.

Президентимиз ўз асарларида **«2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – устувор вазифа бўлиб қолади»** деб белгилаб бердилар.

“Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради”²

Инсонга кенг фаровонлик, юксак онглилик, янгича фикрлаш мақсадларга интилиш ва шу асосда ўз тақдирини ўзи белгилаб уни кундаликда доимо такомиллаштириб ва ривожлантириб боровчи бозор иқтисодиёти биз учун истиқболлидир. Ўз тарихий принциплари ва қонун қоидаларга эга бўлган бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч бу тадбиркор, ишбилармон кишилардир.

[12]

1 Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир”. Жиззах ҳақиқати газетаси. 2010 й 30 январ

² Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

Бозор иқтисодиётига ўтиш кишиларнинг ишбилармонлик фаолиятига кенг йўл очиб берди. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдир.

Шу боисдан у ер ва меҳнатни иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган.

Хулоса қилиб айтганда, биринчи шароитда «тадбиркор» тушунчаси билан «менежер» тушунчаси жуда яқин туради. Шу билан бирга тадбиркор мулкдор бўлса, менежер бошқарувчидир

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Биз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхона тадбиркорлик фаолиятини бошқариш ва такомиллаштириш мавзусидаги БМИнинг “Мамажоновлар” МЧЖ мисолида назарий ўрганиб, таҳлил қилиб чиқишни мақсад қилиб қўйдик. БМИни бажаришда Қўйилган мақсад ва илгари сурилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг моҳияти, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхонада тадбиркорлик фаолиятини ривожланиш истиқболлари, тадбиркорлик фаолиятининг таҳлили, “Зийнаткор” КТ хусусий фирманинг 2007-2009 йиллардаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили, фирмани ташкил этиш ва лицензия олиш тартиби, "Зийнаткор" КТХФнинг 2007-2009 йиллардаги айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили, "Зийнаткор" КТХФнинг 2007-2009 йиллардаги молиявий натижалари таҳлили

Битирув малакавий ишининг объекти – “Зийнаткор” кўп тармоқли хусусий фирма ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг предмети – Корхона тадбиркорлик фаолиятини бошқариш ва такомиллаштириш.

Ишнинг тузилиши – Битирув малакавий ишининг кириш қисми, I-боб, II-боб, III-боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-боб. Корхонада тадбиркор фаолиятини бошқариш

&.1.1. Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг моҳияти

Қонунлар, фармонлар ва бошқа ҳужжатлар маълум томонга қаратилган бўлиб, асосан ишлаб чиқариш, фан-техника ва ақл-заковат соҳасидаги мавжуд имкониятлари кенгайтириш шунингдек улардан яхшироқ фойдаланиш, инсонларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилаш, Республикани жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш мақсадини кўзда тутди. Бироқ, улар ҳар қанча пухта ўйлаб қабул қилинган бўлса ҳам амалий хатти-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асоси, дастаги бўлади ҳалос. Президентимизнинг сўзлари билан айтганда, уларнинг ўзи ўз ҳолича инсонлар, бошқарув органлари, турли институтлар бажара оладиган ёки бажариши керак бўлган нарсаларни амалга ошира олмайди. [13]

Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида бозор муносабатларини ривожлантириб боришни, мулкчилик шакллари ва ҳужалик юритиш усул амалларининг хилма-хил бўлишига эришишни, иқтисодиётни мувозанатлашган ҳолда келтиришни, хорижий сармояларни жалб этишни кенгайтиришни, ҳам ички бозорда, ҳам бошқа республикалар қолаверса хорижий давлатлар билан буладиган алмашувнинг эквивалентлигини таҳминлашни кўзда тутди. Хуллас, ислохотларнинг ҳозирги даврида ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар ечилиши лозим бўлган муаммолар анчагина.

Мулкчилик, тадбиркорлик ва умуман иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожлантириш уни мустахкамлаб бориш тўғрисида гапирилар экан, бозорнинг одам нима хоҳласа, шуни қиладиган, қонун қоидалари бўлмаган жой эмаслигини таҳкидлаб утмок керак. Шунинг учун фаолиятнинг ҳамма соҳалари ва турларида фақат битта ҳужайин - бозорнинг ўзи бўлиши керак, нима қилса бозорнинг ўзи қилади, унга давлат ҳеч бир аралашмаслиги керак деган фикр унча тўғри эмас. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг ҳаммаси ҳужалик юритиш ва бозор механизмини давлат йўли билан бошқариб бориш туфайли муваффақиятга эришган. Бозор бугунги

кунда хар канча мухим булмасин, тирикчиликка тегишли бахзи масалаларни давлат аралашувисиз хал килиб булмайди.

Чикарилган қонун ва қоидаларни ҳозирги шароитда ҳамма билиши ва равшанки, уларга ҳамманинг иттифоқи этиши жуда мухим. Қонунларни билмаслик, тушунмаслик ёки уларга рози булмаслик кишини жавобгарликдан озод қилмайди. Шу муносабат билан одамларга қонун ҳамда ҳуқуқ-тартибот асосларини ургатиш бозор муносабатларини ва умуман миллий иқтисодиётини ривожлантиришда катта ролни ўйнайди. Бу нарса тадбиркорлик билан, бизнес билан шугулланиши, ўз сармоясини қўйиб беришни истайдиган кишилар учун айниқса мухим. [13]

Нихоят, мулк ўзининг асл эгасини, ҳужайинини топиб оладиган бўлиши учун давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараенини жонлантириш ва тезлаштириш зарур. Бу уринда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараенларини чуқурлаштиришга доир давлат дастури, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараенини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 1994 йил 15 мартда чиқарган Фармони ва ушбу Фармонни бажариш юзасидан ҳукумат томонидан ишлаб чиқарилган чора-тадбирлар жуда мухим.

Равшанки, битта мулк эгаси (мазкур ҳолда давлатнинг) яқка ҳуқумрон тариқасида, яъни монополь ҳолатда сақлаиб қолганида бозор муносабатлари тулақонли равишда ривожланиб бора олмайди. Лекин давлат мулкни барча фуқароларга “ўлашиб бериш” ҳам ҳамма даражада бўла олмайди. Жаҳон тажрибасидан маълум бўлганидек, национализация қилиш (хусусий мулкни давлат мулкига айлантириш) бунинг акси бўлиши жараён - хусусийлаштириш жараенига осонроқ кўчади, айниқса, гап йирик индустрия корхоналари, халқ ҳужалигининг мураккаб объектлари тўғрисида бораётган бўлса. Бу уринда кичик хусусийлаштиришнинг синонларидан ўтган механизми ҳаммаша қўн-қилдагидек натижа беравермаслиги мумкин. Яъни раъсий қилиб айтганда,

кичик хусусийлаштиришнинг “тунини” катта хусусийлаштириш - йирик индустрия корхоналари ва обхектларини хусусийлаштириш “елкасига” ташлаб булмайди.

Бизнинг шароитмизда ушбу муаммонинг ечимини куплаб давлат корхоналари баҳзасида акционерлик жамиятлари, шу билан бирга очик хилдаги жамиятлар борпо этишда деб билади. Бу фикр айникса чет элларда, биринчи галда нимани ишлаб чиқариш керак деган масала эмас, балки ишлаб чиқарилган нарсани қандай қилиб сотиш керак деган масала муҳим турган мамлакатларда, албатта яшашга қодир. Бизнинг амалиетимизда эса мутахиссисларнинг фикрига қараганда, фойда ва бошқа бойликларга “беғоналарни” урток қилмаслик учун корхоналарнинг очик хилдагидан қўра купрок епик хилдаги акционерлик жамиятларини тузишга мойил эканлиги қузатилмоқда. [12]

Мулкни демократлаштиришнинг бир шакли сифатидаги акционерлаш стратегиясини қуллаб-қувватлаб ағпирилар экан, акционерларнинг кенг омма қулига тегадиган бўлишини тахминлаш зарур. Лекин бу уринда “акцияларни сотиб олинг, шунда бойиб кетасиз” деганда ухшаш реклама сўзлари бўлишини назарда тутаетганимиз йўқ. Гап акцияларга эга бўлишда чиндан ҳам халқнинг кенг иштирок этиши, акционерлар ва акция эгаларининг тегишли бошқарув органлари томонидан чинакам назорат қилиб бориши асосида қўрадиган асл фойдалари тўғрисида бормоқда.

Иқтисодий равақ ва фаровонлик айрим кишилар, айрим тузилмалар ва институтларга боғлиқ вазифа бўлмай, балки бутун жамиятга боғлиқ вазифа эканлигини унутиш ярамайди. Мазкур занжирда қулга қиритилган муваффақиятлар ҳам, йўл қуйилган қамчиликлар ҳам ислохотларнинг пировард натижасига албатта тахсир утқази. Шунинг учун иқтисодий равақ ва фаровонлик сари барча бир екадан бош қикариб, халол ва юқори унумли меҳнат қилиб доимо янгиликка ва илғорликка интилиб, яқдиллик билан қадам

ташлаб бориши керак. Замон ҳам, ҳозирги турмушнинг ўзи ҳам ана шуни талаб килади. [7]

&.1.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхонада тадбиркорлик ривожланиш истиқболлари

Тадбиркорлик - кишиларнинг фойда олиш мақсадида шахсий ташаббуслари асосида амалга ошириладиган мустақил фаолиятidir.

Унинг асосида кишиларнинг жамиятда аниқ бир мавқега эришиш ҳамда ўзининг ижтимоий ва моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўз имкониятларини амалга ошириш учун интилишлари етади.

Юқорида тадбиркорликка берилган қисқа таҳриф мақсадга мувофиқ эмас. Бизга маълумки, кишиларнинг ўърилик, рэкет, фирибгарлик каби қатор ноурин “ташаббускорлик ҳаракатлари ҳам фойда олишга” қаратилган. Шунинг учун тадбиркорликка тўлиқроқ таҳриф бериш мақсадга мувофиқдир. [8]

Тадбиркорлик - бу кишиларни фойда олиш мақсадида жамиятнинг ахлоқий қоидалари ва амалдаги қонунлари доирасида товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдан иборат ташаббускорлик фаолиятidir.

Жамиятга ва кишиларга зарар етказадиган тадбиркорлик турлари чеклаб ва тақиклаб қўйилади.

Тадбиркорлик фаолияти қўйидагиларни ўз ичига олади:

- тадбиркор ишлаб чиқариши ва фойда олиб сотиши мумкин бўлган товарлар ҳамда хизматларни излаш;
- товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- товарларни тайёрлаш;
- ўз товарлари ва хизматларини сотиш.

Тадбиркорлик фойда келтириши учун жамият ва кишиларни мавжуд ва муайян талабларини кондирга оладиган товарлар ва хизматларни яратиши лозим.

Тадбиркорликка хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- фаолият курсатиш соҳасини танлашда шахсий ташаббус курсатиш;
- ишнинг натижалари учун шахсий жавобгарлик;
- натижани истеҳмолчилар талабини кондиришга боълиқлиги.

Тадбиркорлик фаолиятида иктисодий самарадорликка аввало қуйидагилар ҳисобига эришилади:

1. Талаб этилаётган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш.
2. Талабни ўзгаришига тезда мослашиш.
3. Илмий-техника тараққиёти ютуқлари ва янги имкониятларга тезда мослашиш.
4. Қўшимча харажатлар миқдорини камайтириш.
5. Меҳнат натижаларидан шахсий манфаатдорлик.

Тадбиркорлик янги товарлар, янги хизмат турлари, сарф-харажатларни камайтирувчи янги технологияни ихтиро қилишга ҳаракат қилиш, янги рекламалар уйлаб топиш ва ҳ.к. билан боълиқдир. Қисқа қилиб айтганда тадбиркорлик, янгиликлар, янги усуллар, янги ютуқларни жорий қилиш билан ҳамбарчас боълиқдир.

Тадбиркорлик тадбиркорга жамиятга фойда келтирган ҳолда, истеҳмолчилар талабини кондириш учун ўз имкониятларини амалга оширишга имкон беради.

Тадбиркорлик иктисодий ва ижтимоий эркин кишилар фаолиятига асосланади, бинобарин (шундай экан) тадбиркорликни ривожлантириш жамиятни демократлашувига олиб келади. Шубҳасиз (равшанки) тадбиркорлик партиянинг раҳбарлик роли ва режаси иқтисодиётнинг маҳмурий-буйруқбозлик усулларига мос келмайди.

Тадбиркорлик ишлаб чиқарувчини ўз меҳнатида шахсий жавобгарлигини билдириб, унга уғрилиқ, бетартиблиқ тўғри келмайди, демак у жамиятни маҳнавий юксалтиришга олиб келади.

Тадбиркорлик яқка ҳокимликни сиқиб чиқаради, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни пайдо бўлишига олиб келади ва бу билан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, фан, техника, технологияни ривожлантиришга, ҳамда ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтиришга ва маҳсулот сифатини яхшилашга имконият тўдиради.

Тадбиркорликни ривожлантириш янги иш жойларини ташкил қилиш ва аҳолини иш билан таҳминлашга имконият яратиб беради.

Тадбиркорлик аҳоли ўртасидаги ижтимоий лоқайдлик, гайратсизлик, боқимандалик, текинхурлик каби хусусиятларга барҳам беради.

Тадбиркорлик кишиларга тўғрилиқ, фирибгарлик ва бошқа ноқонуний йўллар билан эмас, балки ҳалол меҳнат қилиш орқали турмуш даражасини кўтаришга ва моддий фаровонликни юксалтиришга асос яратиб беради. Тадбиркорлик шу соҳадаги барча ишловчилар, ёлланма ишчилар ва жамиятни тажриба ва билимларини оширишга имкон беради.

Тадбиркорлик бу:

- инсонларни эркин, кизикарли, мақсадли ва фойдали меҳнат орқали эҳтиежини қондириш;
- жамият эҳтиежини қондириш ва танқисликка барҳам бериш;
- янги ишчи уринларини ташкил қилиш;
- фан ва техника ютуқларидан тезкорлик билан фойдаланиш;
- жамият ва кишиларни бойитиш манбаи;
- жамиятни демократик ривожлантириш ва маҳнавий соғломлаштириш асоси.

Бозор - товар ишлаб чиқарувчиларни фойда олишдан манфаатдор қилиш асосида халқ хужалигини самарали фаолият кўрсатиб боришини тахминлайдиган иқтисодий муносабатлар тизимидир. Уни товарлар, сармоялар, ишчи кучи, тураржой, технологиялар ва бошқаларнинг олди-соттиси орқали ишлаб чиқаришнинг истеҳмол билан, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг бир-бири билан, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча бугинлари ва хужалик фаолиятининг барча турлари билан боғланиш шакли деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Тор маҳнода олинганида, бозор товарлар бевосита муомилада бўладиган, пуллар товарларга ва товарлар пулларга алмаштириладиган жойдир.

Тадбиркорлик билан бизнеснинг ҳаёт учун муҳимлигини таъкидлаш керак. Сўз тадбиркорлик билан бизнесни иқтисодиётнинг асоси деб биладиган кишилар устида бормокда.

Собиқ Иттифоқнинг ҳамма минтақаларида бўлганидек, 70-йилдан кўра кўпроқ муддатга узилиб қолган тадбиркорлик фаолияти Ўзбекистонда ҳам ўзининг анча бой тарихига эга. Ушбу асрнинг бошларида ва ундан анча игариги замонларда тадбиркорлик билан бизнес, бу фаолият гарчи шу сўзлар билан ифодаланмаган бўлса ҳам, анча кенг русум бўлган ва асосан бозорларда ҳамда қарвон саройларида олиб бориладиган эдики, бунинг еркин мисоли “Буюк ипак йўли”дир. Лекин у замонлардаги тадбиркорлик табиати ва қуламлири жихатидангина эмас, балки ташкил этилишининг усуламаллари, воситалари жихатидан ҳам бошқача бўлган. Тадбиркорларнинг ўзлари қунгли кенг, олди-сотти ишлари ва бошқа муомилаларда жуда ҳалол қолаверса ўз устларига олган мажбуриятларини муддатида бажарадиган, бажарганда ҳам, уринлатиб бажарадиган кишилар бўлган, лекин афсуски, ҳозирги тадбиркорларнинг ҳаммаси ҳам бундай деб бўлмайди.

Уша замонлардаги тадбиркорликнинг яна бир хусусияти шунда эдики, бу турдаги фаолият билан шугулланадиган кишилар ўз бойлиги, молдунесини орттириш, сармоясини қупайтиришга интилиш билан бирга “дунени, ўзга

улкаларни” кўриб-билишга, у ерлардаги одамлар билан олди-берди алоқаларини урнатишга ҳам куп ҳаракат қилишар эди. Бирок замон ўзгарди, замон билан бирга жамият ҳам ўзгарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкчиликни химоя қилишни тахминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоралари тўғрисида” 1994 йил 21 январдаги Фармони тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини кенгайтириш учун имкон очиш билангина қолмай, балки Республика халқ хужалиги мажмуасининг жаҳон бозорига мос равишда кириб бориши учун ҳам йўл очади. Шуниси қувонарлики, бу Фармон тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш учун аҳолининг барча ижтимоий гуруҳларига тенг имкониятлар беради.

Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва иқтисодиётнинг хусусий секторини шакллантиришни жадаллаштириш юзасидан бош ислохотчи сифатида куп ишларни қилмоқда. Ҳамма ерда ҳам аҳвол ҳозирча қунгилдагидек эмас, албатта.

Айрим чора-тадбирлар эндиэнди қучга кириб бормоқда, лекин умуман олганда иқтисодиёт илгари томонга қараб ривожланмоқда, ривожланганида ҳам сакраб-сакраб эмас, балки бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос усулида кўзда тутилганидек, босқичма-босқичма ривожланиб бормоқда.

Яна бир нарсани назардан қочирмаслик керак. Тадбиркорлик ва бизнес Республиканинг ўзидаги ишлаб чиқаришга, жумладан ундаги ресурсларга - хомаше, моддий, аклий ва бошқаларига таянмайдиган бўлса, фикримизча, раванқ топиши бир қадар қийин. Лекин хомаше ресурслари қатта бўлмагани ҳолда яхши ривожланиб, раванқ топаётган мамлакатлар ҳам бор (масалан, Япония, Тайван ва бошқалар).

Тадбиркорлик ва бизнес умуммиллий иқтисодиёт ривожланиши йўлида хизмат қилиши керак бўлса, четдан келтириладиган товарлар захираларини шакллантириш ва сотишдан ташқари мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳам қатта аҳамият берилиши керак. Ана шунда қичик ва

уртача корхоналар тармогини яратиш, демак, тадбиркорлик в бизнесни ривожлантириш тўйрисида жиддий гапириш мумкин булур эди. Кичик ва уртача корхоналарнинг баҳзи мухим ик-тисодиет секторларида мухим уринни эгаллаши, бу билан бирга одамларнинг купрок банд булишини тахминлаб бериши ва йирик корхоналарга караганда тезрок ривожланиб бориши жахон тажрибасидан махлум. Бизда эса, бундай корхоналар хозирча асосан давлатга карашли йирик корхоналар таркибда ижарачилар, кооперативлар ва бошқа тузилмалар кўринишида яратилмокда. Кичик ва уртача корхоналарнинг илгор бозор структураларини шакллантиришга ердан беришини эхтироф этиб, йирик корхоналар билан уларнинг кичикрок шериклари уртасидаги нисбат ва ўзаро муносабатларни тартибга солиш мақсадга мувофик булур эди.

Якин утмишда биз жамиятимиз капитализмдан социализмгача булаган йўлни муваффакиятли равишда босиб утиб, ривожланган социализм даврига кирди ва эндиликда шубхасиз коммунизм сари кадам ташлаб бориши керак деб хисоблар эди. Лекин хаёт бу фикрни нотўйри эканлигини кўрсатди.

Бугунги кунда Республиканинг купгина шаҳарлари ва хусусан пойтахтидаги бозор ва савдо расталарини айланиб чикадиган булса, бунга бутунлай аксинча манзарани кўриш мумкин, лекин, афсуски, бу - янги бозор механизми тула галаба козонди деган гап эмас, хали. Лекин хеч ерда, хеч нарса тез ва осон кад кутара колмайдида. Жамиятнинг эскича русумдан янгичасига ўтиши, одатда, бемашаккат ва биз истаганча тез битмаслиги жахон тажрибасидан махлум. Президентимиз кўрсатиб берган беш тамойил ва бозор механизмига сакраб-сакраб эмас, балки босқичма-босқич утиб бориш - ўз иқтисодиётимизнинг моделини шакллантириш ва маданиятга эришган жамият кўришнинг асосига куйилагн хусусиятлар ана шулардир. Булар тамомила тушунарлидир, улар Республиканинг ўзидагина эмас, балки жахоннинг бошқа мамлакатларида ҳам тегишлича куллаб-куватланмокда.

Бир сўз билан айтганда, бозор муносабатлари асосларини яратиш учун, амалга оширилатган ислохотларнинг ҳаётийлигини тахминлаш учун республикада ҳозир жуда куп ишлар килинмокда.

Бозор иқтисодиёти ривожланган ҳамма мамлакатларда тадбиркорлик фаолияти билан бизнесни ривожлантиришнинг зарур шарти хусусий мулкчиликдир, лекин тадбиркор билан бизнесмен ҳамisha ҳам хусусий мулк эгаси булавермайди. Тадбиркорлар билан бизнесменлар орасида мулк эгалари билан бир каторда менежерлар, ишлаб чиқариш ташкилотчилари ва ишга астойдил берилган бошқа ҳар қандай кишилар ҳам бор.

Ҳозирги шароитларда хусусийлаштириш тадбиркорликнинг асоси бўлиш хусусий мулкчиликнинг қайта тиклашга даҳват этилган. Хусусийлаштириш ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш, бозор муҳитини шакллантириш воситасидир. У рақобатни юзага келтириб, тадбиркорларга ва турлича мулкый шаклдаги корхоналарнинг раҳбарларига эркинлик бериши, инновацион типдаги янги тараккиетнинг ижтимоий базасини шакллантириши керак.

Хусусийлаштириш мустақил ва шу билан бир вақтда мураккаб муаммодир. Уни зурама-зураки жадаллаштириш ҳам, сусайтириб қуймаслик ҳам керак. Бемавруд кўрилган ҳар қандай чораларнинг натижалари ҳамisha ҳам яхши чиқавермаслиги маҳлум. Меҳнат жамоалари ва уларнинг раҳбарлари хусусийлаштиришнинг зарурлигини англаб етадиган, бу чорани қандай амалга ошириши кераклиги ва қандай натижа беришини урганадиган бўлсалар, ана шунда у самара беради.

Республикада хусусийлаштириш юзасидан, айниқса савдо ва маҳаллий саноат корхоналари ва туруржойларни хусусийлаштириш юзасидан муайян тажриба тупланганини айтиб ўтиш лозим. Лекин бу тажрибадан мохирлик билан фойдаланмок керак. Чунки, тураржой, кафе ёки бирор дуконни хусусийлаштириш бошқаю, айтайлик, трактор заводи, йирик комбинат ёки бинокорлик мажмуасини хусусийлаштириш бутунлай бошқа нарса.


Тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш учун бошқа шарт-шароитлар ҳам булиши керак. Чунончи, иктисодий ва ижтимоий давлат сиесатининг барқарорлиги, тадбиркорлик ва бизнес хусусида ижобий ижитимой фикр юзага келган булиши, имтиезли солиқ тартиби, тадбиркорликни куллаб-куватлайдиган ривожланган инфраструктура, аклий мулкни химоя килувчи самарали тизим булиши керак ва хоказо. Тадбиркорлик учун кулай кредит тизимини яратиш, уларга зарур ишлаб чикариш воситалари, хомаше ва бутловчи буюмларни сотиб олиш имконини бериш керак. Бу масалаларнинг деярли ҳаммасида тадбиркорларимиз хозирча маҳлум кийинчиликларга учраб турибди. Мана шу кийнчиликларни енгилш ва бошқа мухим муаммоларни муваффакият билан хал қилиш хозирги тадбиркорлар билан бизнесменларнинг энг мухим вазифаларидан биридир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ривожланиши

2008 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ҳам барқарор ривожланганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айна пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди.

Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони, минг бирлик




Натижада 2008 йили фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони қарийб 400 мингтани ташкил этди, бу мазкур кўрсаткичнинг сўнгги олти йил мобайнида 1,9 баробар кўпайганлигини билдиради.

Фаолият кўрсатган кичик бизнес субъектларининг салмоғи 1,7% га, шу жумладан саноатда – 1,3% га, қурилишда – 3,4% га, транспортда – 22,2% га ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 9% га ошди. Фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари улуши 8,6% ни ташкил этди. Ўз ўрнида айтиш керакки, бу айрим ривожланган мамлакатлар кўрсаткичидан анча паст.

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бу саноат тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани айниқса эътиборлидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш натижасида ўтган йилда 37 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари, 119,6 мингта якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Шунингдек, таркибий ўзгартирилаётган монополист-корхоналарнинг фойданилмаётган қувватларида 130 та турли мулкчилик шаклларига асосланган янги кичик корхоналар ташкил этилиб, уларда 7,5 мингта яқин иш ўринлари яратилди. 83 та банкрот корхоналар негизида 92 янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларда 9,8 мингта иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимиздаги аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтган йил мобайнида юртимизда 661 мингта яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида – 374 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида – қарийб 220 мингта, касаначилик ҳисобидан эса – 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди.

Иқтисодиётда иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутди. 2008 йили алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш,

маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари анча юқори суръатлар билан ривожланди


Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ўсиш суръатлари, олдинги йилга нисбатан фоизда

Хизмат турлари	2007 йил	2008 йил
Бозор хизматлари	126,6	121,0
Шундан савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	132,5	126,8
Транспорт хизматлари	121,1	112,7
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	151,5	140,1
Молия ва банк хизматлари	123,8	132,2
Туристик-саёҳат хизматлари	122,3	126,3
Меҳмонхона хизматлари	133,5	122,5
Маиший ва коммунал хизматлари	109,3	108,4
Автомобилларни таъмирлаш ва бошқа техник хизматлар	138,7	139,2
Бошқа хизматлар	142,5	130,6

Сўнгги тўрт йил мобайнида йилига ўртача 50 фоиз ўсишни таъминлаётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 42,5 фоиздан 2008 йилда 45,3 фоизга ўсди (1.5.3-расм).

Шу билан бирга, Президентимиз айни пайтда қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётганига қарамай, ҳали-бери паст даражада – бор-йўғи 26,8 фоиз бўлиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам талаб даражасида эмаслигини таъкидлаганлар.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда



Мамлакатимизда ишчи кучи бандлиги ва аҳоли даромадларини оширишда касаначилик ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш соҳаларининг аҳамияти йилдан-йилга кучайиб бормокда. Жумладан, бу борада қуйидаги натижалар қўлга киритилди:

- 2008 йилда касаначилар томонидан 34 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди;

- касаначилик орқали корхоналар ўзларига берилган имтиёзлар ҳисобидан 1 млрд. сўмдан ортиқ маблағни тежашга эришди;

- чорвачиликни ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида 2008 йили кимошди савдоларида 20300 бош қорамол сотилди, 2009 йилда яна 24600 бош қорамол сотилиши кўзда тутилмокда;

- агар 2007 йилда қорамол сотиб олиш учун 42,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2008 йилда бу рақам 48,2 млрд. сўмни ташкил этди.

- 2006 йилдан ҳозирга қадар кам таъминланган оилалар учун 103 мингдан зиёд қорамол берилди;

- 2009 йилнинг 1 январигача шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сони 1,1 млн. кишидан кўпроқни ташкил этди;

- қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқаролардан 54 минг кишига янги меҳнат дафтарчаси берилди, 111 минг фуқаронинг эса мавжуд меҳнат дафтарчасига иш стажи тегишли тартибда қайд этилди.

Умуман олганда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис, касаначилик соҳаларини барқарор ривожлантириш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилиб, улар пировардида аҳоли турмуш даражасининг юксалишига сезиларли таъсир кўрсатди.

&.1.3. Тадбиркорлик фаолиятининг таҳлили

Корхона бутун фаолиятини ўз ичига оловчи кўрсаткичлар тизими орқали таҳлил қилиши керак:

Биринчидан, корхона фаолиятининг пировард натижаларини характерловчи кўрсаткичлар - Р, реализация қилинган маҳсулот ҳажми ёки кўрсатилган хизматлар ҳажми;

Иккинчидан, харажат ва ресурслар кўрсаткичлари - таннарх, моддий харажат, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, персонал сони ва бошқалар.

Корхона фаолиятини баҳолашнинг энг оддий усули ҳақиқатда мавжуд ва режали кўрсаткичларни солиштиришдир. Олдинги даврлар кўрсаткичи билан ҳам солиштириш мумкин. Шунга ўхшаш солиштириш ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар ва ресурслар кўрсаткичини солиштириш, ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичларини солиштириш орқали амалга оширади. Ҳақиқатдаги ва норматив кўрсаткичларни солиштириш корхона фаолияти самарадорлиги ҳақида хулоса яшаш имконини беради.

Корхона фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг мураккаброқ усули харажат ва натижалар ўртасидаги, харажат ва ресурслар ўртасидаги узвий алоқадорликни баҳолашдан иборат. Шунга ўхшаш таҳлил қилинган махсус ишланган таҳлил ўтказиш ишлаб чиқариш функциясини тузишни талаб қилади. Ишлаб чиқариш функциясини таҳлил қилиш пировард натижага турли харажатнинг таъсирини миқдорий ўлчаш, турли омиллар таъсирини баҳолаш имконини беради.

Тадабиркорнинг асосий вазифаларидан бири ишлаб чиқариш харажатлари - маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинган харажат таҳлили ҳисобланади.

Харажат мавжуд дарсини олинган маълумотлар тўғрисидаги норматив дарси билан солиштирилган. Бу корхонанинг кучсиз томонларини аниқлаш, ишлаб чиқариш программасига тузатишлар киритиш имконини беради. Агар асосий рақобатчиларингиз тўғрисида маълумотларга эга бўлсангиз, корхонангиз харажатларини 2 ёки 3 рақобатчилар харажати билан солиштиринг.

Харажатнинг идеал ҳолатига эришиш. Яхши натижага харажатни минималлаштириш орқали эмас, балки оптималлаштириш орқали эришилади.

Юқори самарадорликка эришиш учун фойданинг харажатга нисбатини муваффақиятлаштириш учун қуйидаги тадбирлар кўрилади.

Умумий натижани яхшилаш учун маҳсулот сотишни ўстирадилар. Шу мақсадда рекламани фаол қўллайдилар, сервисни яхшилайдилар, маҳсулотларни уларни қўллаш орқали юқори сифат билан борадиган соҳаларни излайдилар.

Харажатни оптималлаштириш учун материалларга қилинадиган харажатни камайтиради ва арзон материаллар, ўринбосар материалларни кўпроқ қўллашади; материаллардан фойдаланишни рационаллаштиради; иш ҳаққини камайтириш мақсадида ташкилий ўзгаришлар олиб боради; технологияни такомиллаштирадилар, ходимларни ўқитадилар, автоматлаштириш ва рационаллаштириш усулини қўллайдилар, сифатни яхшилаш программаларини ишлаб чиқарадилар.

Корхоналарда мулкларни оптималлаш учун уларни камайтириш мақсадида захираларни бошқаришни такомиллаштирадилар, ишлаб чиқариш аппаратида фойдаланишни яхшилашади ва оптималлаштиради, оборот маблағларини қисқартиради.

Корхона фаолияти самарадорлигини харажатлар ва натижалар нисбати нуқтаи назаридан кўриб чиқиш.

Биринчидан, харажатлар (ишлаб чиқариш харажатлари) ва натижалар (ишлаб чиқарилган маҳсулот, олинган даромад)ни баҳолаш.

Иккинчидан, ташқи муҳитда (техник тараққиёт, бозорда асосий харажат қилувчи кишилар фаолияти, маҳсулотнинг ҳаётий цикли ва бошқалар, яҳни корхона фаолияти натижаларига бевосита таҳсир қилувчи барча нарсалар) бораётган ўзгаришларни ҳисобга олиш. Бундан пировард натижага 2 та таркибий қисмлар таҳсир кўрсатади: ички, ташқи иқтисодий омиллар ва ташқи, бозор омиллари.

**Самарадорликнинг Реализация қилган маҳсулот (хизмат)
Маҳсулот хизмат ишлаб чиқариш реал харажатлари.**

Реализация қилинган маҳсулот қиймати Ишлаб чиқариш харажатлари	Ишлаб чиқарилган маҳсулот сони. Маҳсулот бир бирлигига қилинган харажатлар	Маҳсулот бирлиги баҳоси. Ишлаб чиқариш маҳсулот миқдори
---	--	--

Айтилганларни умумлаштириб, шуни айтиш мумкинки, ишлаб чиқариш харажатлари умуман, қуйидагиларга боғлиқ бўлади.

Энг муҳим соҳага кириш тўсиқларини бартараф қилиш учун тадбиркор ўз корхонаси имкониятларини аниқлаш лозим. Бунда қуйидагиларга асосланади:

- тадбиркор ўз мақсадини, яҳни кўзланган фойдасини аниқ ҳисоблаб чиқиши лозим;
- мақсадга эришиш учун лозим бўлган ресурслар ўрганилиб, корхона ресурслари билан кўзланган мақсаднинг қанчалик ўзаро мос келиши аниқланади. “Кўрпага қараб оёқ узат !” деган халқ нақлига қатъий амал қилиш лозим.

Тадбиркор ўз ички ишлаб чиқариш, тижорат имкониятларини аниқлагач, ташқи имкониятларни ўрганишга киришади. Бунда у бошқа тадбиркор билан ўз капиталини бирлаштириш имкониятларини аниқлайди. Бунинг оқибатида ишни яқка ўзи ёки бошқа тадбиркорлар билан бирлашиб бошлаш вариантларидан бирини танлайди.

Товар бозорини ўрганиш.

Танланган соҳа ва ҳудуддаги товар бозорини ўрганиш қуйидагича амалга оширилади:

1. Ишлаб чиқарилажак товарга бўлган талаб аниқланади. Бунда истехмолчилар гуруҳи, уларнинг даромадлари, тадбирлари, диди, қизиқишлари ўрганилади. Бунинг учун матбуотдаги статистик маълумотлардан оила бюджети, унинг даромадлари ва харажатлари таркиби, социологик тадқиқотлар

натижаларига асосланиш бўлғуси истеҳмолчилар билан шахсий алоқа ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

2. Таклифни ўрганиш. Бунинг учун соҳа ва ҳудудда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ва имкониятлари аниқланиб, уларнинг истеҳмолчилар талабини қай даражада қондиришаётганликлари ўрганилади.

3. Тадбиркор ўзининг рақобатчилик лаёқатини аниқлаши, бунинг учун ўзи ишлаб чиқариши ва тижорат имкониятларини рақобатчиларнинг имкониятлари билан солиштиради. Бунинг оқибатида ўзининг кучли ва кучсиз томонларини обхектив баҳолайди.

4. Мақсадли бозор сегментини танлаш. Тадбиркорни қизиқтирувчи бозорда турли истеҳмолчи харидорлар гуруҳи бўлиб, улар турли товарга ёки турли модификациядаги товарни харид қилишни исташади. Масалан: биров “Нексия”га, бошқаси “Дамас”, “Тико” автомобилларини харид қилувчилар, унинг оддий, стандарт ёки люкс, ёки супер люксдан бирини танлайди. Аниқ истеҳмолчи харидорлар гуруҳини аниқлаш бозорни сегментларга ажаратиб ўрганиш асосида амалга оширилади. Бозорни сегментларга ажратиб ўрганиш товарнинг истеҳмол хусусиятларига боғлиқ равишда истеҳмолчиларни демографик, иқтисодий, географик (ҳудудий), ижтимоий-социологик белгиларга қараб гуруҳлаш йўли билан олиб борилади. Бунинг оқибатида тадбиркор маҳсулотларни истеҳмол қилувчи харидорлар гуруҳи ва товар тури, унинг модификациялари аниқланади.

5. Товар позициясини аниқлаш. Тадбиркор ўз товарининг хусусиятлари, сифати ва бошқа кўрсаткичлари жиҳатидан рақобатчиларнинг маҳсулотлари билан қиёслаб, солиштириб, уларга нисбатан ўз товарининг мавқеини аниқлайди.

Бугунги янги иқтисодий шароитда бизнинг иқтисодий шароитда бизнинг мустақил республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича қонуний-меҳёрий ҳужжатлар тўплами яратилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун турли субсидиялар ажратиш, кредит бериш ва солиқ солишдаги имтиёзларни белгилаш, бевосита ва билвосита ёрдам кўрсатиш кўплаб давлатлар иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади.

Масалан, кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун давлат сарфи 1998 йилнинг ўзида АҚШда 5,5 миллиард долларни Японияда 3,9 триллион иен (долларда 3,7 миллиард)ни, Францияда 13 миллиард франк (2,2 миллиард доллар)ни Германияда 43,3 миллиард маркани (24,7 миллиард доллар)ни ташкил этган.

Тадбиркорлик фаолиятини кўплаб ташкил этиш орқали иқтисодиётдаги йирик ишлаб чиқариш яккахуқмронлигини бартараф этиш, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнининг амалга оширилиши, самарали рақобат муҳитини шакллантирилиши энг оқилона усуллардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарнинг 70% хусусий мулкка асослангандир

Товарлар ҳаракатида асосий ўринни реклама эгаллайди. Бу бозор фаолиятининг кўп қиррали кўриниши бўлиб, у баҳзан мустақил йўналишга ажратилади. Маркетинг ва реклама бир йирик жараённинг икки томони ташкил этилади. Шу билан бир вақтда реклама маркетинг тизимида ўзига хос ўринни эгаллайди.

Мутахассислар фикрича, реклама коммуникация шакли деб қаралади, қайсики, у товар сифати ва хизматни кўрсатишни, шунингдек ғояни истеҳмолчининг талаб ва эҳтиёжига мувофиқ ташкил этишга интилади.

Рекламанинг моҳияти ишлаб чиқарувчи манфаатидан келиб чиқиб харидорда товарни сотиб олиш тўғрисида тасаввур уйғотиш зарур. Рекламада товар ишлаб чиқарувчи ўз товари билан бозорга истеҳмолчининг эҳтиёжини маълум даражада қондираётгани ҳақида бораётганини тушуниш муҳим.

Ишлаб чиқарувчи манфаати маҳсулотини бозорда сотишга, харидор манфаати эса ўз эҳтиёжини қондиришга қаратилган бўлади.

Ишлаб чиқарувчи ва истеҳмолчи ўртасидаги коммуникатив алоқа реклама ҳисобланади. Реклама корхона ва бозор ўртасидаги бутун алоқа тизимини ўз ичига олади. Истеҳмолчи реклама қилинаётган товар тўғрисида малакали билимга, яҳни тасаввурга эга бўлиши керак. Реклама хабарлари шундай бўлиши зарурки, у истеҳмолчида товарга нисбатан ижобий муносабат уйғотиш ва уни сотиб олишга ишонч уйғота олиши лозим.

Реклама мазмунига келганда, унга товарларни ва уларнинг истеҳмол қилиш хусусиятини ташвиқот қилиш деб қаралиши шарт. Айрим қараш ва ғояларнинг шаклланишини ташвиқот қилиш рекламани ривожлантиришнинг янги имкониятларини очади.

Маркетинг фаолияти тажрибаси шуни тасдиқлайдики, рекламанинг таҳсирчанлиги унга товарларни ишлаб чиқарувчидан тортиб истеҳмолчигача бўлган ҳаракат тизимидаги ўрнига нечоғли аҳамият берилишига боғлиқдир. Рекламанинг самарадорлиги эса жамоатчилик фикрининг шаклланиши ва истеҳмол баҳоларининг ўзгариши билан ўлчанади.

Рекламанинг фаолият доираси ўз ичига олади:

1) Истеҳмолчининг реклама қилинаётган товар хизматга ҳамда бозорга бўлган эҳтиёжини ўзгариши;

2) Мақсадга эришишни стратегик режалаштириш, бозор чегарасини аниқлаш, реклама воситаларидан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш ва уни молиялаштириши юзасидан зарур тадбирлар ишлаб чиқиш;

3) Реклама воситаларини танлаш бўйича харажатлар тизимини белгилашда тактик қарорлар қабул қилиш, матбуотда эҳлонларнинг ёритилиши ва намоёиш қилиниши юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш;

4) Матн ёзишни ҳисобга олган ҳолда эҳлон тузиш, макет тайёрлаш, уни бадий безаш ва уларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади - бу ишлаб чиқарувчилар, чакана савдогарлар, улгуржи сотувчилар, хизмат фирмалари, касаба уюшмалари, ассоциациялар, мактаблар, мачитлар, давлат идоралари, сиёсий арбоблар, алоҳида шахслар ва бошқалар. Реклама берувчиларни икки асосий, яҳни умуммиллий ва маҳаллий турга бўлиш мумкин. Уларнинг

биринчиси қисман сотиб олинадиган ва унга қиммат бўлмаган товарларни реклама қилади. Бунда истеҳмолчилар дўконларга киргунга қадар уларга товарни сотиш мақсад қилиб қўйилади.

Маҳаллий реклама берувчилар - булар турли сотувчилар мулкдорлардир. Улар ўзларидаги мавжуд товарларни, сотиб олишлари учун аҳоли ўртасида ахборот бериш мақсадида бу ишга жуда катта маблағ сарфлайдилар. Бу реклама берувчилар учун ихтисослаштирилган хизмат турларини таклиф этувчи воситачидир. Бошқача қилиб айтганда, реклама агентлиги бу ижодий ходимлар ва тижоратчилардан иборатдир, мустақил корхонадир. У ўз товари учун харидор кидираётган буюртмачиларга реклама тайёрлайди ва уни реклама воситачиларида жойлаштиради. Оммавий ахборот (телевизор, радио, газета, журнал), қайсики реклама мурожаатларини кенг тингловчилар оммасига етказувчи реклама мутахассисларидир. Журналлар, газеталар, телевидение ва радиостанциялар ўзларининг нореклама мазмунига керакли тингловчиларни жалб қилади, реклама берувчилар эса, унга мурожаат этиш имкониятига эга бўлади.

Бошқа реклама воситалари эса, маҳлум даражадаги кишиларни ўзига жалб этиш мақсадида реклама мурожаатларига (тўғри алоқа рекламаси, макетлар, жамоат транспортидаги турли ёзувчилар, савдо биноларини реклама жиҳатидан безаш) таянадилар. Реклама - бу оммани хабардор қилиш усулидир. Истеҳмолчилар билан яқин алоқа ўрнатишда оммавий ахборот воситалар унга ёрдам қилади. Шу билан бирга, савдо рекламаси аҳоли саломатлиги йўлида товарларнинг айрим турларини истеҳмол қилишни кўпайтириш мақсадида уларга таҳсир ўтказиш воситасидир.

Халқнинг турмуш даражаси оша бориши, савдога бўлган талаблар кучайиши ва кўпинча янги талаблар қўйилиши реклама билан боғлиқдир, чунки савдо халқ истеҳмолини қондириш жараёнидир.

Реклама савдо маданиятини оширига кўмаклашмоғи лозим. Реклама яхши йўлга қўйилган бўлса, харидорлар ўзларига зарур товарларни тез топиб, осон ва кўп вақт сарфламай сотиб оладиган бўладилар. Шу тариқа товарни сотиш

тезлашади, савдо ходимлари меҳнатининг самарадорлиги ортади, муомала чиқимлари камаяди.

Савдо рекламаси аҳолига ҳаммага маълум бўлган баҳзи бир товарлар тўғрисида фойдали маълумотлар бериши, шу товарларнинг хусусиятлари, қимматли жиҳатлари, уларни ишлатиш усуллари тушунтириши керак.

Аҳолини айрим савдо корхоналари тўғрисида, бу корхоналар кўрсатадиган хизматлар ҳақида, унинг иш вақти, товар сотиш усуллари ўзига хос хусусиятлари тўғрисида хабардор қилиш ҳам муҳимдир. Масалан, уй-жой маданиятини реклама қилиш замонавий турмуш соҳасидаги янги дидларни шакллантиришга қаратилган.

Савдо рекламаси кенг халқ оммасининг манфаатларини кўзлайди, бу нарса унинг ғоявийлик, ҳаққонийлик, аниқ мақсадни кўзлаш сингари асосий белгилардан намоён бўлади.

Рекламанинг ғоявийлиги унинг ўз моҳиятидан келиб чиқади. Амалий жиҳатдан олганда бу нарса савдо рекламаси воситалари мазмунининг халқ моддий фаровонлиги ва маданий даражасини ошириш соҳасидаги ҳукумат сиёсатига мос келишидан иборат талабдир, шунингдек, у реклама ижодкорлигида маълум тартибларга амал қилишда ўз ифодасини топади. Рекламанинг тарбиявий томони ҳамда унинг айрим воситалари харидорларга турмуш шароитларини яхшилаш тўғри - овқатланиш, бўш вақтидан унумли фойдаланиш тўғрисида йўл-йўриқ бериши лозимлигини ҳам шу ўринда эслатиб ўтмоқ керак.

Ҳаққонийлик мажбурий белги бўлиб, товарлар унинг сифати, фазилатлари ва устунликлари тўғрисидаги маълумотлар ҳақиқатга тўғри келиши лозимлигини билдиради. Ундан ташқари ҳаққонийлик, ишонарли далил- исботларда ва реклама воситаси баёнида фойдаланилган рақам ва маълумотлардан ифодаланади.

Аниқ мақсадни кўзлаш рекламага ҳаддан ташқари берилиб кетишидан сақлайди, воситалардан унумсиз фойдаланишнинг олдини олади.

Рекламанинг тарбиявий иқтисодий жиҳатлари бир бутун бўлиб қўшилади, чунки у харидорнинг психологиясига тахсир ўтказиш орқали мамлакатимизда ишлаб чиқарилган у ёки бу товарнинг юқори сифатли эканлигига ишонтиради. Товар эса ишлаб чиқаришнинг товар маҳсулоти бўлганлиги учун ишлаб чиқариш даражасининг ўзини тавсифлайди. Демак, яхши товар - мамлакат муваффақиятларининг энг яққол кўрсаткичларидан биридир.

Аммо бизнинг савдо рекламамиз юксак савдо маданияти талабларига ҳозирча тўла тўқис жавоб бераётгани йўқ. Шу сабабли уни такомиллаштириш ҳамда унинг усуллари хилма-хил қилиш, харидорларга тахсир ўтказиш кучини ошириш, бадиий - эстетик жиҳатини яхшилаш, иқтисодий самарадорлигини кучайтиришга эришиши зарур.

Реклама савдодаги технология жараёнларининг таркибий қисмидир. Мадомики, товар сотиш чакана савдодаги асосий технология жараёни экан, реклама ҳам харидор билан учрашган пайтдан, унинг талаб ва эҳтиёжи аниқланган пайтдан товарни оқилона кўз-кўз қилишда бошланади. Товарнинг хусусиятлари, сифати тўғрисида, уни ишлатиш, истехмол қилиш усуллари тўғрисида ўз вақтида маслаҳат бериш, дўконлардаги технология жараёнларини ташкил этишда муҳим ўрин тутди. Сўнгра, бирор товарга қўшиб олинadиган товарларни тавсия этиш ҳам рекламанинг диққат марказида бўлиши керак. Чакана савдодаги рекламалар қўлланиш жойига; вазифасига техникавий воситаларни қўллаш ва улардан фойдаланиш услубларига қараб бир-биридан фарқ қилади.

Қўлланиш жойига кўра, рекламалар дўконга кирувчи харидорларга мўлжалланган дўкон ичидаги ва бутун аҳолига қаратилган дўкон ташқарисидаги турларга бўлинади.

Вазифасига кўра, реклама воситалари аҳолининг муайян категориялари ва гуруҳларига (мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналарига, пахтакорларга, пархез таомга мухтож бўлган кишиларга ва шу кабиларга) мўлжалланган бўлади.

Техникавий воситаларни қўллаш ва улардан фойдаланиш услубларига кўра, реклама қуйидаги турларга бўлинади:

а) витрина - кўргазма рекламаси (деразага ва дўкон ичкарасига ўрнатилган витриналар, дўконлардаги ва бошқа жамоат жойлардаги товар кўргазмалари);

б) тасвирий, фотографик ёритилган рекламалар дўконларнинг тамғалари, реклама ёзувлари, плакатлар, преysкурантлар, кўрсаткичлар, транспарантлар, эҳлонлар);

в) босма реклама (варақлар, каталоглар, проспектлар, газета ва журналлардаги эҳлонлар);

г) намоёиш рекламаси (махсулотларни таҳтиб кўриш, кийим-кечакнинг янги моделларини намоёиш қилиш ва шу кабилар);

д) кино - телевизион ва диапозитив рекламаси;

е) овозли реклама.

II-Боб. "Зийнаткор" кўп тармоқли хусусий фирмасининг умумий тавсифи

&2.1. Корхонанинг ташкил топиши ва бошқаруви кўрсаткичлари

1. Умумий қоидалари.

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси кичик корхоналар тўғрисида"ги 14 феврал 1995 йил 55-сонли қарори асосида ишлаб чиқилди.

1.2. Ўзбекистон Республикаси фуқароси мулки асосида "Зийнаткор" хусусий фирмаси ташкил этилган. "Зийнаткор" хусусий фирмаси Низом ва ҳаракатдаги қонунлар асосида хизмат кўрсатади.

1.3. Фирма ҳуқуқий ҳисоблани, ҳолис мулкига мустақил балансига Ўзбекистон Республикаси ва Давлат тижорат банкларида ҳисоб ва бошқа ҳисоб рақамларига эга, ўз номи лотин тилида ёзилган юмалоқ муҳрга ва бошқа размларга эга.

Фирма мустақил ўз-ўзини идора қилиш, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва тўлиқ хўжалик ҳисоби нуқтаи-назардан фаолият кўрсатади. Фирма мулки хусусий фуқарони мулкига асосланган.

1.4. Фирмада мулк эгаси ва бошқа шахслардан меҳнат шартномаси асосида ишлаш мумкин. Мулк эгаси ўз мулкига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган ҳуқуқиларга эга.

1.5. Фирма ҳаракатлари қонунга асосан ўз мулк юзасидан мажбуриятларга жавоб беради. Фирма давлат мажбуриятлари учун органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгарликни олиб бормайди.

1.6. Фирманинг манзилгоҳи Жиззах шаҳри Тошлоқ маҳалласи Наримонов кўчаси 4 уй 3 хона.

1.7. Ушбу низомга қўшимча ва ўзгаришларни фирма мулкдори қарори билан ва қайтадан маҳаллий ҳокимиятдан расмийлаштрилган ҳолда амалга оширади.

2.Фирманинг фаолияти ва мақсади.

2.1.Фирманинг мақсади Ўзбекистон Республикаси қонунларига амал қилган ҳолда ва маҳаллий ҳокимиятнинг амалдаги фармонларига кўра барча фойдали ҳисобланган соҳаларда иш юритишдан иборат.

2.2.Фирманинг фаолияти қуйидагилардан иборат.

-барча турдаги ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш:

-маориф соҳасига керакли жиҳозлар: доска, парта, стул, шкаф ва бошқаларни ишлаб чиқариш ва сотиш;

-фуқаролар билан бартер усулида савдо сотиқ ишларини олиб бориш;

-Қурилиш – монтаж, қурилиш-таъмирлаш ҳамда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, сотиш, пудрат ишларини олиб бориш;

-спиртли ва яхна ичимликлар билан махсус рухсатномалар орқали улгуржи ва чакана савдо қилиш;

-аҳолига дори-дармон олиб келиш,

тайёрлаш ва сотиш шахобчаларини ташкил қилиш;

-ҳалқ хўжалик объектларига бидамчи ўт учирувчи сотиб олиш ва сотиш;

-ҳалқ хўжалик муассасаларини товуш чиқарувчи, қурувлов ва ёнғиннинг олдини олувчи, қурувлов ва ёнғиннинг олдини олувчи воситалар билан жиҳозлаш;

-қадимги тарихий ёдгорлик китобларини йиғиш ва шартномалар асосида ўзбекистон тарихий музейларига ҳамда диншунослик муассасаларига топшириш;

3.Фирманинг бурч ва ҳуқулари.

Ушбу низомда кўрстилган мақсад ва вазифаларга эришш учун фирмасига қўйдаги ҳуқуқлар берилади.

3.1.Ўз номидан битимларни ва шартномаларни тузиш, мулк билан боғлиқ боғланган ҳуқуқларни ва мажбуриятларни олади, суда ва арбитражда давогар ва жавоб берувчи шахс бўлиши мумкин.

3.2.Ички ва ташқи бозорларда экспорт.

3.3.Ўз таъминот ва хўжалик ишларини, савдо фаолиятини мол айрибошлаш услубида улгуржи,чакана савдо орқали амалга оширади.

3.4.Ўз хўжалик фаолиятини мустақил режалаштиради.

3.5.Банк ҳисоб рақамларида пул маблағларини мустақил сарф қилиш ҳуқуқига эга.

3.6.Қисқа ва узоқ муддатли кредитлар билан фойдаланиш мумкин.

3.7.Ўзларини маблағ билан таъминлаш учун банк ва тижорат ҳамда хорижий банклардан қарз олишдан фойданиш мумкин.

3.8 Ўз ҳисоб-китобларини нақд пулга пулсиз пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

3.9 Моддий манбаларни пудратга олиш, сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқига эга.

3.10.Иш ҳақи тўлаш тартиби меҳнатни ташкил қилиш ва ички меҳнат қоидаларини мустақил белгилайди.

3.11.Савдо дуконларини очиш ва бозорларда савдо фаолиятини билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

4.Фирма мулки.

4.1Фирма асосида фонд ва маблағ аборооти ҳамда бошқа қимматбаҳо маҳсулот ва молиявий ашёдир. Фирма мулки унинг мустақил балансида орттирилади. Фирма мулкдори ўзмулклари билан кўрсатилган ҳуқуқларга эга.

4.2.Фирманинг мулки қуйидагилардан ташкил топади.

- фирма мулк эгасининг пул ва бошқа моддий маблағлари;
- маҳсулотларни сотишдан ва хизмат кўрсатишдан келган фойда;
- банк кредитлари;
- қимматбаҳо қоғоздан олишдан келиб чиққан даромад;
- меҳнат жамоалари бадаллари;
- фуқаролар ва ҳуқуқий шахслардан жалб қилинган маблағлар;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларида ман этилмаган бошқа маблағлар;

4.3.Фирма ўзининг Низом жамғармасини ўз маблағи ҳисобига ўстириш ҳуқуқига эга фирма мулкдори фирма маблағини ёки бошқа Ўзбекистон

Республикаси фуқаролари маблағи ҳисобига шартнома асосида кўпайтириб, фойдаланиб кўрсатилган муддатда эгасига қайтариш мумкин.

4.4.Фирма ўз мулкидан тўла хўжалик юритиш ҳисобида фойдаланиш мумкин.

5.Хўжаликнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти.

5.1.Фирма мустақил ўз фаолиятини олиб боради,ишлаб чиқарилган маҳсулотларга эгалик қилади, бозор талабларига қараб ўзининг келажақдаги ривожлантиришини аниқлайди.

5.2.Фирма фаолиятида мулк эгаси қатнашиш шарт ва қатнашиш шакли ихтиёрий асосида юритилади.

5.3.Фирма ўз буюртмаларини давлат ва шартнома нархлари бўйича бажаради.

5.4.Фирмага келадиган даромадлардан Ўзбекистон Республикаси қонуниятига асосан солиқ тўланади ва солиқ, бошқа шартий тўловлар, кредит учун фоизи, жарималар тўлангандан ва солиқ, бошқа сўнг фирма жамғармаларини ташкил этади.

5.5.Фирма самарадорлигини ошириш учун мулкдор қарорига асосан ҳар хил жамғармалар ташкил этиш мумкин.

5.6.Меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий ривожлантириш жамғарма ҳар хил мулкдор томонидан чегирмалар ўрнатилади.

5.7.Захира жамғарма чегирмалар ҳар йили ўтказилади. Захира жамғарма маблағлари камайганида фирма мулкдори маблағларини қоплаш керак, иложи бўлмаган ҳолда банкротликни эълон қилишни керак.

6.Фирмани бошқариш.

6.1.Фирмани мулк эгаси ўзи бошқаради ва улар фирма маъмурияти ҳисобланади. Мулк эгаси раҳбар лавозимида бўлмаган ҳолларда контракт бўйича раҳбар бошқа шахс бўлиши мумкин.

6.2.Фирма раҳбари:

-барча масалаларни раҳбар мустақил ҳал қилади;

-фирма номидан мамлакат ва хорижий ташкилотлар, корхона ва муассасаларда ўз фирмасининг манфаатини ҳимоя қилади.

-фирма мулкани тасарруф қилади, шартномалар тузади. Шу жумладан меҳнат шартномаларини ҳамда ишончномалар беради, банкларда ҳисоб ва бошқа счётлар очади. Маблағни тасарруф қилиш ҳуқуқига ижроя аппарат ходимларини тасдиқлайди, буйруқ ва фармойишлар чиқаради, фирманинг барча ишларига кўргазмалар беради;

-фирманинг ички ва хўжалик фаолиятига таъаллуқли барча ҳужжатларни тасдиқлайди;

-ташқи иқтисодий фаолият бўйича масаларни кўриб чиқади;

-ушбу Низомга ўзгартириш бўйича қаро чиқаради.

7. Иш муносабатлари.

7.1. Фирма мулк эгаси мустақил равишда ишчиларни олади ва ишдан бўшатади, иш ҳақи тўлаш услуби ва миқдорини раҳбар белгилайди.

7.2. Раҳбар ва ишчилар ўртасида муносабатларни меҳнат шартномаси билан белгилайди.

7.3. Ишга қабул қилиш ва бўшатиш, иш ҳақи тўлаш ҳақидаги шартлар меҳнат ҳақи тўлаш қарори ва Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан тузилади.

7.4. Харакатдаги қонунларга асосан фирма ишчилари ижтимоий ва тиббий суғурта қилинади. Штат ишчилари ижтимоий таъминланади.

7.5. Фирма маъмурияти фирма касаба уюшмаси билан жамоа шартномасини тузиш шарт.

7.6. Харакатдаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ушбу низомга асосан ишчиларга керакли енгилликлар яратилади, шу жумладан фирма ўз маблағидан қўшимча енгилликларга пул ажратиш мумкин.

8. Назорат, ҳисоб ва ҳисобот.

8.1. Ўзбекистон Республикаси кичик корхоналар ҳақидаги қонунига асосан бухгалтерлик ва статистик ҳисобот олиб борилади.

8.2.Фирманинг бир йиллик бухгалтерия ҳисобига асосан молиявий йили календар йили ҳисобланади.

8.3.Фирманинг молиявий фаолиятини давлат молиявий органлари амалга оширади.

8.4.Фирма текширув назоартчилари талаб қилган ҳар қандай молиявий ҳужжатлар билан таъминлашлари зарур.

8.5.Текширилган ҳужжатларда камомад аниқланса фирма қонун билан ўрнатилган жарима тўлаш керак.

9.Мажораларни ҳал этиш тартиблари.

9.1.Мулк муҳофаза эгаси билан меҳнат жамоаси,алоҳида шахслар, давлат кооператив,акционерлик жамиятлари ўртасидаги ҳар қандай мажоралар ва низомлар қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

9.2.Суд ёки ҳужалик судининг қарори ҳар иккала томон учун мажбурий ҳисобланади.

10.Табиатни муҳофаза қилиш.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги мавжуд бўлган қонунларга асосланган ҳолда иш олиб бориб,экология таълим тарбия тўғрисида ходимларга пропаганда ишларини олиб бориб, сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазаси бўйича барча тадбирларни амалга оширади.

11.Фирма фаолиятини тўхтатилиши.

11.1.Фирма фаолияти фирмани қайта ташкил қилиш ёки тарқатиб юбориш йўли билан тўхтатилади.

11.2.Фирманинг қайта ташкил қилиниши ёки унинг давлат кооператив,акционерлик ва бошқа ташкилотлар билан қўшилиши қонунда белгиланган тартибда мулк эгасининг қарорига кўра юридик шахслар томонидан амалга оширилади.


11.3.Фирмани қайта ташкил таштирилган ҳолда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги ташкил бўлган жамоага янги низом асосида ўгади.

11.4.Фирма фаолиятини қуйидаги ҳоллар тўхтатилганда ёки қайта ташкиллаштирилган ҳолда.

а) мулк эгасининг қарорига кўра фирма фаолияти тўхтатилганда ёки қайта ташкиллаштирилган ҳолда.

б) суд ёки хўжалик суди қарорига кўра фирма ўз мажбуриятларини бажараолмайди деб ҳисобланган ҳолди.

(2.1 -чизма)



Бошқарув органларининг функциялари.

Директор – корхона номидан иш олиб боради, чет корхоналар билан шартнома ва битимлар тузади, ўз номидон бошқа шахсларга ишончномалар беради, банкларда ҳисоб-китоб рақамларини очади ва пул маблағларини белгиланган мақсадлар йўлида ишлатади.

Бош мухандис-корхонадаги барча ишларнинг раҳбари ва ташкилотчиси ҳисобланади. Корхона раҳбари ишда бўлмаган тақдирда корхона раҳбари вазифасини бажаради.

Бош ҳисобчи-корхона томонидан амалга ошириладиган барча хўжалик муаммоларининг назорат қилинишини ва бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилишини, тезкор маълумотлар тақдим этилишини, бухгалтерия ҳисоботининг белгиланган муддатларда тузилишини, ички хўжалик захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва

ҳисоботи маълумотлари асосида корхонанинг ҳўжалик-молиявий фаолиятини таъминлайди. Корхона раҳбари билан биргаликда товармоддий бойликлар ва пул маблағларидан қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб ҳисобланадиган ҳужжатларни, шунингдек ҳисоб-китоб, кредит ва молиявий мажбуриятларни, ҳамла корхона шартномаларини имзолайди.

Молия бўлими-корхонанинг молиявий операцияларини бошқаради, унинг кирим ва чиқимларини ишлаб чиқаради, уларнинг сарфланиши устидан назорат ўрнатади, кредитлар олинishi ва бюджетга солиқларнинг тўланишини таъминлайди.

Маркетинг ва маҳсулот сотиш бўлими бозорни ўрганади, маҳсулот қўйилиши бўйича шартномалар тузади, маҳсулотни харидорга етказиб бериш ишларини амалга оширади.

Таъминот бўлими-ишлаб чиқариш ва қурилиш ишларида тўлиқ қатнашиб, ишлаб чиқариш жараёнини зарур материаллар ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, билан шуғулланади.

Ходимлар бўлими одатда, директор ўринбосарларидан бирига ёки директорнинг ўзига бўйсинади. Унинг зиммасига ишчиларни ёллаш ва ишдан бўшатиш; ходимларнинг ишга чиқишини рўйхатдан ўтказиш; иш кунирежимига, интизомга риоя этилишини назорат қилиши; ходимларни ўқитиш; ишловчиларга техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар ўтказиш вазифалари юклатилади.

Ҳисобот бўлими моддий ва молиявий ресурсларнинг корхонага келишини ва кетишини, ишчи кучларининг ҳисобини юритади, корхона фаолияти бўйича ҳисоботларни тайёрлайди ва уларни корхона раҳбарларига, шунингдек давлат ва маҳаллитй ҳўжалик органларига тақдим этади. Уларнинг мажбуриятларига асосан корхонага муҳандислик-техника хизматини кўрсатишдан иборат.


Техника назорат бўлими-чиқарилаётган маҳсулот сифати устидан ялпи назорат ўрнатади: иш жойларида операцияларнинг сифатли амалга оширилишини назорат қилади: корхонага кириб келаётган материаллар ва бошқа буюмлар сифатининг назорат қилинишини ташкил этади.

&2.2. Зийнаткор КТХФси 2007-2009 йиллардаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили

1-жадвал

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2009 йилда 2008 йилга нисбатан	
						(+,-)	(%)
1	Махсулот сотишдан тушган тушум	Минг сум	1671664	2289083	3177538	888455	138,81
2	Сотилган махсулот таннари	Минг сум	1105304	1424113	2139831	715718	150,26
3	Ялпи молиявий натижа	Минг сум	566359	864970	1037707	172737	119,97
4	Ишловчиларнинг йиллик иш хаки фонди	Минг сўм	103680	266626	310920	44294	116,61
5	Ишловчиларнинг йиллик ўртача сони. Шундан:	киши	50	54	62	8	114,81
	-ишчилар	киши	43	48	56	8	116,67
	-хизматчилар	киши	7	6	6	0	100,00
6	Асосий фондларнинг ўртача йиллик киймати	Минг сум	154229	145118	212267	67149	146,27
7	Бир ишловчининг ўртача йиллик иш унуми	Минг сум	33433,3	42390,4	51251	8860,2	120,90
8	Бир ишчининг ўртача йиллик иш унуми	Минг сум	38875,9	47689,2	56742	9052,5	118,98
9	Фойда	Минг сум	294481,8	441185,7	720442	279256,2	163,30
10	Соф фойда	Минг сум	146055	277148	490118	212970	176,84
11	Айланма маблағларни ўртача йиллик киймати	минг сум	533193,9	721439,1	1529413,6	807974,5	211,99
12	Солиқлар	Минг сум	148426	164037	230323	66286	140,41
13	Рентабеллик (10к/2к)*100	%	13,21	19,46	22,90	3,4	117,69

"Зийнаткор" КТХФ 2007-2009 йиллардаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилаётган йиллардаги хизмат кўрсатишдан тушган тушум ва ишлаб чиқарш харажаталарини ўзгариш динамикаси қуйидагича:



Диаграммадаги маълумотлар бўйича хизмат кўрсатишдан тушган тушум 2009 йилда 3177538 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 888455 минг сўмга ёки 39 фоизга ошган бўлса, ишлаб чиқариш харажатлари жорий йилада 2139831 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 715718 минг сўмга ёки 50 фоизга ошган. Корхонада ходимларни ўзгариш юқори бўлиб, таҳлил этилаётган йилда 4 кишигача ошган. Корхонада ходимларни ўзгариш динамикаси қуйидагича.




Диаграмма ва жадвалдаги маълумотларга кўра корхонада жорий йилда ишчилар сони 8 кишигача ошиб, 62 кишини ташкил этган. Хизматчилар жорий йилда 6 кишини ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан ўзгармаган. Таҳлил этилаётган йилларда ходимларнинг йиллик иш ҳақи фондининг ўзгаришини қуйидагича кузатамиз: корхонада ходимларнинг йиллик иш ҳақи фонди жорий йилда 310920 минг сўмни ташкил қилиб, 2008 йилга нисбатан 44294 минг сўмга ёки 17 фоизга ошган.

Корхонада Фойда, соф фойда, солиқлар, рентабеллик кўрсаткичлари ўзгариш динамикаси қуйидагича.




Диаграмма ва жадвалдаги маълумотларга кўра корхонада жорий йилда соф фойда 490118 минг сўмни ташкил қилиб, 2008 йилга нисбатан 77 фоизга ошган. Хизматчилар жорий йилда 6 кишини ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан ўзгармаган. Таҳлил этилаётган йилларда рентабеллик кўрсаткичлари ўзгаришини қуйидагича кузатамиз: 2007 йилда 13 фоиз, 2008 йилда 19 фоизни, 2009 йилда 23 фоизни ташкил қилиб 2008 йилга нисбатан 4фоизга ошган.

&.2.3. Қурилишда травматизм сабабларини олидини олиш

Меҳнат муҳофазасининг асосий вазифаларидан бири, ишчиларга хавфсиз иш шароитини яратиб беришдан иборатдир. Хавфсиз иш шароити, яъни, меҳнат хавфсизлиги-бу ишлаб чиқариш шароитида ишчиларга барча хавфли ва зарарли факторлар таъсири бартараф этилган меҳнат шароити ҳолатидир.

Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ишлаб чиқариш шароитида купгина физик ва кимевий факторлар таъсирида юз беради. Бундай хавфли факторларни юзага келиши технологик жараеннинг характериға, иш жихозларининг конструкциясига, меҳнатни ташкиллаштириш даражасига ва шу каби бир канча омилларга боғлиқ бўлади. Хавфли факторлар юзага келиш характериға боғлиқ ҳолда реал ва яширин бўлиши мумкин. Реал хавф аниқ, кузга қуринарли ташқи белгилари билан характерланади. Масалан, машинанинг ҳаракатланувчи қисми, қутарилган юк ва б. Яширин хавф машина, механизмлар ва иш жихозларида яширин нуксонлар, носозлиқлар бўлиши билан характерланиб, маълум бир шароитда хавфли ҳолатга, аварияга олиб келади. Яширин хавфларга иш жойининг тартибсизлиги, ифлослиги, хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги, иш жихозлари ва мосламалардан ноурин, яъни бошқа мақсадларда фойдаланиш, узилган электр симлари, ишчининг хато ва нотугри ҳаракати қабилар ҳам қиради.

Ишлаб чиқаришда жароҳатланишларни олдини олиш-бу мураккаб комплекс муаммо ҳисобланиб, биринчи навбатда машина ва механизмларни лойиҳалаш босқичида хавфсизлик талабларига катта эътибор беришни талаб этади.

Инсоннинг ҳаётий фаолиятида доимий еки вақтинча хавфли факторлар юзага келадиган жой хавфли зоналар деб аталади. Инсонга, хавфли факторлар бевосита у билан контактда бўлиш орқали еки белгиланган масофадан кам масофада яқинлашилганда таъсир этиши мумкин. Хавфли зоналар машиналарнинг ҳаракатланувчи ва айланувчи элементлари атрофида, юк қутариш-тушириш машиналарининг ишлаши вақтида, яъни

кутарилган юк атрофида юзага келиши мумкин. Айникса катта тезликда айланувчи еки харакатланувчи механизмлар иш кийимини еки сочни ураб кетиши эхтимоли мавжуд жойлар хавфли хисобланади. Хавфли зоналар улчами доимий еки узгарувчан хам булиши мумкин. Шу сабабли хавфли факторлардан химояланиш тадбирларини ишлаб чикишда хавфли зоналар улчабини аниклаш ва хисобга олиш талаб этилади.

Юкоридагиларга мос холда барча машина ва механизмларнинг конструкцияларига уларнинг бажариши лозим булган вазифаларини хисобга олган холда хавфсизлик талаблари урнатилади. Умумий холда машина ва механизмлар конструкциясига куйилган хавфсизлик талабларига куйидагиларни киритиш мумкин: машина ва механизмларнинг барча харакатланувчи ва айланувчи элементларига химоя кожухлари урнатилган булиши; конструкция элементларида уткир киррали, нотекис юзалар булмаслиги (технологик жараен талаби буйича тайерланган элементлар бундан мустасно); машинанинг габарит улчамлари хавфсиз ва кулай транспорт холатини таъминлаши; бошқариш аъзолари кулай булиши; кабиналарда ишчи учун кулай ва комфорт шароит булиши; тегишли еритилганлик жихозлари билан таъминланиши; тегишли назорат асбоблари булиши; ишончли тормоз курилмалари, сигнализация системаси булиши ва б. Шунингдек, машина ва механизмларнинг айрим системаларига хам алохида техник талаблар урнатилади. Масалан, ГОСТ 12.2.003-74 да машиналарнинг бошқариш системасига куйилган талаблар курсатилган. Албатта, бу талаблар ишчилар хавфсизлигини ва ушбу машиналардан фойдаланиш ишончли ва кулай булишини таъминлашга каратилган булиши зарур.

III-боб. Зийнаткор КТХФнинг тадбиркорлик фаолиятини таҳлил қилиш

&3.1. Фирмани ташкил этиш ва лицензия олиш тартиби

Янги корхонани ташкил этиш бир неча босқичдан иборат. Ушбу босқичларнинг кетма-кетлиги чизмада акс эттирилган.



Фирмани ташкил қилиш тартиби

Янги корхонани ташкил қилишда таъсисчилар таркиби белгиланиб, таъсис хужжатлари, яъни корхона низоми, корхонани ташкил этиш ҳақидаги таъсисчилар шартномаси ва бошқа меърий хужжатлар ишлаб чиқилади. Сўнгра банкда вақтинчалик ҳисоб рақами очилади. Бу ҳисоб рақамига корхона рўйхатдан ўтгандан кейин 30 кун ичида Низом капиталининг 50 фоизи келиб тушиши лозим. Кейин корхона таъсис этилган жойидаги маҳаллий ҳукумат идоралари томонидан давлат рўйхатидан ўтади.

Биржа, аудиторлик фирмалари ва чет эл сармоясига эга бўлган корхоналар эса Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан утадилар.

Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи ваколатли органларга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- корхонани рўйхатдан ўтказиш тўғрисида таъсисчи ёки таъсисчиларнинг аризаси;

- нотариал идоралари томонидан тасдиқланган икки нусхадаги таъсис ҳужжатлари (корхона Низоми, корхонанинг таъсис шартномаси);

- корхона манзилини тасдиқловчи ҳужжат;

- давлат бојини тулаганлиги тўғрисида банк томонидан берилган ҳужжат;

- Ҳокимиятнинг ваколатли органлари томонидан корхонанинг номланиши тўғрисида берилган гувоҳдуюма;

- муҳр ва тамганинг уч нусхадаги намунаси.

Янги корхонани ташкил этишда қонун томонидан белгиланган тартибнинг бўзилиши ёки унинг таъсис ҳужжатларининг қонун талабларига мос келмаслиги давлат рўйхатидан ўтказишни рад этилишига олиб келади.

Корхонани давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш сабаблари асосланмаган ёки корхонани рўйхатдан ўтказиш белгиланган муддатларда амалга оширилмаганда, судга мурожаат этиш мумкин.

Корхона маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларига зарур ҳужжатларни илова қилиб, ариза топширган пайтдан бошлаб, ўзоғи билан 3 иш кунида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Корхонанинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ягона давлат реестрига киритиш учун 10 кун муддат ичида Молия вазирлигига хабар қилинади. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Давлат рўйхатидан ўтказилган корхонага: ҳокимиятнинг корхонани давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги қароридан кучирма нусхаси,

хокимият рўйхатидан ўтказилган ва тасдиқланган корхона Низоми ҳамда корхонанинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги давлат ордери топширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилгандан ва тадбиркорлик фаолиятига рухсат этилгандан сунг корхона раҳбарияти:

- думалок муҳр ва тамгага буюртма бериши;
- банкда ҳисоб раками очтириши;
- солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтказиши;
- аҳолини ижтимоий химоялаш фондидан рўйхатдан ўтказиши;
- бандлик марказидан рўйхатдан ўтказиши керак.

Думалок муҳр ва тамгани тайёрлатишга буюртма беришдан олдин корхона раҳбари корхона жойлашган тумандаги ички ишлар булимига, корхонанинг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги хокимият қароридан кучирма, хокимият тасдиқлаган икки нусхадаги муҳр ва тамга чизмаларини тақдим этиши керак.

Ички ишлар булими рухсатни алоҳида хат кўринишида беради. Чизмалар эса керакли ёзувлар билан маъқўлланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Банкда ҳисоб разами очиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- корхона раҳбарининг аризаси;
- хокимият тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари;
- нотариус тасдиқлаган имзо намуналари;
- муҳр ва тамга билан тасдиқланган карточкалар;
- хокимиятнинг маҳаллий кенгаши корхонани давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги қароридан кучирма ёки нотариус тасдиқлаган маълумотнома;
- солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотнома.

Шундан сунг банк муассасаси аризачига ҳисоб раками очади, унинг ракамини корхона Низомининг асл нусхасига ёзади ва бош ҳисобчининг имзоси қуйилиб, банкнинг гербли муҳри босилади.

Давлат рўйхатидан ўтгандан кейин барча тадбиркорлик субъектлари солиқ. органига рўйхат (идентификация) номери олиш учун давлат рўйхатидан ўтган вақтдан эътиборан 10 кун мобайнида мурожаат қилишлари лозим.

Солиқ. рўйхатидан ўтиш учун муайян хужжатлар мажбурий талаб этилади.

Солиқ туловининг идентификация номери солиқчиларга, юридик шахсларга Давлат солиқ, инспекциясига Хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатдан ўтиш шаклини тулдирган маълумотлар асосида берилади.

Давлат солиқ инспекциясида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бир марта амалга оширилади на тадбиркорлик фаолияти тухташи муносабати билангина бекор қилинади.

Тадбиркорлик субъектлари ўз идентификация номерини Ўзбекистан Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ қўлланиладиган барча хужжатларда кўрсатиши шарт.

Янги корхонани ташкил этишнинг якунловчи босқичида иштирокчилар ўз омонатларини тулалигича киритади (рўйхатдан ўтгандан кейин бир йилдан кечикмаслик керак), банкда доимий ҳисоб рақамини очади, корхона туман солиқ. инспекциясида рўйхатга олинади, ўзининг думалок, муҳри ва бурчакли штампига эга бўлади. Шу вақтдан бошлаб корхона мустақил юридик шахс сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

Лицензия икки нусхада бўлиб, хужжат беришга жавобгар шахс томонидан кул қуйилиб, бераётган органнинг муҳри босилиб, бир нусхада ариза берувчига топширилади.

Лицензия берувчи органлар

Т/р	Лицензия берувчи органлар	Фаолият турлари
1	Вазирлар Маҳкамаси	*ракета-космик мажмуи; *алока тизимлари; *кимматбаҳо металллар; *кимматбаҳо тошлар казиб олиш; *кимматбаҳо тошлар ва металллардан заргарлик буюмлари ясаш; *хаво транспорти ва хоказолар.
2	Адлия вазирлиги	юримдик шахсларнинг юримдик фаолият билан шугулланишга, масалан, адвокатлик маслахати, нотариал идора ва бошқа фаолиятларга.
3	Молия вазирлиги	кимматли коғозларчи чикариш; лотерея уйинларини ўтказиш ва хоказо.
4	Марказий банк	валюта кийматликлари билан операциялар ўтказиш ва хоказо.

Лицензияда қуйидагилар кўрсатилган бўлади:

- лицензия бераётган муассаса номи;
- юримдик шахснинг номи ва манзили ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахснинг исми-шарифи, турар жойи;
- лицензия берилаётган фаолият тури;
- фаолиятни амалга ошириш қоидалари ва шарт-шароитлари;
- лицензиянинг рўйхат раками, берилган вакти ва муддати.

Агар тадбиркор рухсат этилган фаолиятни амалга оширишда лицензияда белгиланган қонун-қоидаларни ёки амалдаги қонунларни бўзса, шунингдек, аҳоли ҳаётига хавф-хатар келтирувчи фаолият билан шугулланса, у ҳолда лицензия берган муассаса тадбиркорни лицензиядан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳақлидир.

Бизнес-режанинг мазмуни. Корхона фаолиятини муваффақиятли олиб боришда бизнес-режа муҳим роль уйнайди. Бизнес-режанинг тўзилиши ва мазмуни катъян чегараланмаган. Бизнеснинг фикримизча, етти бўлимдан

иборат бизнес-режа энг мақбулдир. Ушбу бизнес-режани батафсил кўриб чиқамиз.



Тадбиркорлик фаолиятининг бизнес-режаси

Бизнес-режани ишлаб чиқишда ундаги булимлар таърифи киска, тушунарли булишига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки булар бизнес-режага кизикувчи шахс ёки банк ходимининг ундаги материалларни уқиш-уқимаслигини белгилаб беради. Хулоса кискача бўлиб, бизнес-режанинг барча булимларини камраб олиши лозим. Хулосада қуйидаги маълумотлар мавжуд булиши тавсия этилади:

- корхонанинг номи, унинг юридик манзили;
- алоқа қилиш учун шахс, унинг телефони;
- бизнеснинг тури;
- керакли заём;
- заёмнинг мақсади;
- мавжуд активлар;

- маҳсулот — бозор (маҳсулотнинг қисқача таърифи, унинг реал сотиш имкониятлари);
- бошқарув (асосий мулк эгасининг ва унинг ёрдамчиларининг таърифи);
- молиявий режалар;
- сотиш ва даромад ҳажмининг ўсиш имкониятлари.

&3.2 "Зийнаткор" КТХФнинг 2007-2009 йиллардаги айланма маблағлар самарадорлигини фойдаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил қилинар экан, уларни тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, бу кўрсаткичларни олдинги йил, жорий йил маълумотлари билан қиёслаш, бу кўрсаткичларнинг фарқ қилишига турли омилларнинг таъсирини аниқлаш ва ҳисоблаб чиқиш керак бўлади. Амма шу омилларни ўрганиш асосида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш йўллари аниқлаш ва тавсия қилиш керак.

Бу 5- жадвалда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини кўрсаткичларини ҳисоблаш ва уларни олдинги йил маълумотлари билан қиёслаш амалга оширилган.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил қилинар экан, ўзини тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, олдинги йил билан қиёслаш билан аниқланади . Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичига бир қанча омиллар таъсир қилади, жумладан, маҳсулотни чиқариш ва реализацияси, айланма маблағлардан суммаси, айланма маблағлар таркиби таъсир этади .

"Зийнаткор" КТХФнинг 2007-2009 йиллардаги айланма маблаг билан таъминланганлиги таҳлили.

2- жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2009 йилда 2008 йилга нисбатан	
						Фарқи (+:-)	%
1	Соф фойда	минг сўм	146055	277148	490118	212970	176,84
2	Ялпи даромад	минг сўм	566359	864970	1037707	172737	119,97
3	Маҳсулотларни сотишдан тушган тушум	минг сўм	1671664	2289083	3177538	888455	138,81
4	Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати	минг сўм	533193,9	721439,1	1529413,6	807974,5	211,99
5	Соф фойданинг ялпи даромаддаги хиссаси (1кх100:2к)	%	25,7884	32,0413	47,2308	15,1895	147,41
6	Даромаднинг даражаси (2кх100:4к)	%	106,22008	119,8950	67,8499	-52,0450	56,59
7	Айланма маблағлар самарадорлиги (3к:4к)	сўм	3,1351897	3,17294	2,07761	-1,09532	65,48
8	Айланма маблағларнинг рентабеллиги	%	27,392474	38,4159	32,0461	-6,36985	83,42

5- жадвалда "Зийнаткор" КТХФнинг 2007-2009 йиллардаги айланма маблағлар билан таъминланганлигини таҳлилидан кўришиб турибдики, айланма маблағларнинг ўртача қиймати 2009 йилда 533193,9 минг сўмни, 2008 йилда 721439,1 минг сўмни, 2007 йилда 1529413,6 минг сўмни ташкил қилиб 2008 йилга нисбатан 112 % га ортган.

&.3.3. "Зийнаткор" КТХФнинг 2007-2009 йиллардаги молиявий натижалари таҳлили

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, уларнинг "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" да ифодаланишини, ҳар бир кўрсаткичнинг аниқланиш йўллари, молиявий натижаларнинг умумлашган кўрсаткичлари таҳлилнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу мавзунини таҳлил қилишда бевосита корхонанинг охириги натижаси, яъни фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлари ўрганилади. Аммо ушбу кўрсаткичлар бозор муносабатлари шароитида бир қанча омиллар таъсирида, кўпгина манбалар ҳисобидан шаклланади. Шу туфайли, корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг кўлами анча кенгайган.

Молиявий натижаларни таҳлил қилиш, энг аввало, сотилган маҳсулотни ўрганишдан бошланади. Барча харажатларни қоплаб даромад олишдан таъминлайдиган кўрсаткич, бу – сотилган маҳсулот учун тушган пул тушумидир. Ундан қўшилган қиймат солиғи аксизларни тўла соф тушумни аниқлаш мумкин. Демак молиявий натижаларнинг асосий натижалари бу – сотишдан тушган тушумдир.

"Зийнаткор" КТХФнинг 2007-2009 йиллардаги молиявий натижалари таҳлили

3-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2009 йилда 2008 йилга нисбатан	
			2007	2008	2009	Фарк	Ўсиш
						(+,-)	(%)
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Маҳсулот сотишдан тушган тушум	Минг сўм	1671664	2289083	3177538	888455	138,81
2	Сотилган маҳсулот таннари.	Минг сўм	1105304	1424113	2139831	715718	150,26
3	Маҳсулот сотишдан ялпи даромад	Минг сўм	566359	864970	1037707	172737	119,97
4	Мамурий харажатлари.	Минг сўм	12518	13002	20590	7588	158,36

5	Асосий фаолият фойдаси	Минг сўм	294481,8	441185,7	720441,9	279256,2	163,30
6	Солик ва бошка тўловлар	Минг сўм	148426	164037	230323	66286	140,41
7	Соф фойда	Минг сўм	146055	277148	490118	212970	176,84

"Зийнаткор" КТХФнинг 2007-2009 йиллардаги молиявий натижаларини таҳлил қилиб қуйидаги хулосага келдик, Махсулот сотишдан тушган тушум 2009 йилда 3177538 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 888455 минг сўмга ёки 39 фоизга ошган бўлса, ишлаб чиқариш харажатлари жорий йилада 2139831 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 715718 минг сўмга ёки 50 фоизга ошган.

Молиявий натижани давр харажатлари сотиш ва маъмурий харажатларидан ташкил топади. Бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 58 фоизга ошган. Асосий фаолият фойдаси , умумхўжалик фойдаси даромад солиғи йилдан – йилга ортиб борган . Корхонанинг соф фойдаси 2009 йилда ўтган йилга нисбатан 212970 минг сўмга ортган ёки 77 % га кўпайган. Сабаби ўтган йиллардаги солиқ тўловлари ўз вақтида тўланган, жарима ва устамалар тўланмаган. Даромад солиғи утган йилга нисбатан 40 % га ошган. Корхонанинг соф фойдаси ошиб борган жорий йилда 212970 минг сўмни ташкил қилиб, 2008 йилга нисбатан 212970 минг сўмга ошган.

Бу уз навбатида маблаг айланишининг ортганидан далолат беради.

Хулоса ва таклифлар

Жахон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳар бир корхона хавф хатар остидагина эмас, балки чексиз чегарасиз имкониятлар шароитида ҳам иш кўради. Хавф хатарни вақтида пайқамок, унга гал бермок, дуч келганда унга қарши муносиб равишда курашмок, юзага келган имкониятлардан фойдаланиб қолмок, ҳозирги замон бошқаруви ходимларининг энг долзарб вазифаларидандир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инқирозга қарши чоралар дастурида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш тадбирлари аҳамиятли ўрин тутди.

Маҳаллийлаштириш дастури ўз мазмунига кўра республикаимиз корхоналарида замонавий талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, асоссиз импорт ҳажмини қисқартириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратиш каби мақсадларни намоён этади. Мазкур дастурнинг ривожланиш босқичлари Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 майдаги 93-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 июлдаги 149-сонли қарори орқали белгилаб берилган.

Биз таҳлил қилган "Зийнаткор" КТХФнинг 2007-2009 йиллардаги молиявий натижаларини таҳлил қилиб қуйидаги хулосага келдик, Маҳсулот сотишдан тушган тушум 2009 йилда 3177538 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 888455 минг сўмга ёки 39 фоизга ошган бўлса, ишлаб

чиқариш харажатлари жорий йилада 2139831 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 715718 минг сўмга ёки 50 фоизга ошган.

Молиявий натижани давр харажатлари сотиш ва маъмурий харажатларидан ташкил топади. Бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 58 фоизга ошган. Асосий фаолият фойдаси, умумхўжалик фойдаси даромад солиғи йилдан – йилга ортиб борган. Корхонанинг соф фойдаси 2009 йилда ўтган йилга нисбатан 212970 минг сўмга ортган ёки 77 % га кўпайган. Сабаби ўтган йиллардаги солиқ тўловлари ўз вақтида тўланган, жарима ва устамалар тўланмаган. Даромад солиғи утган йилга нисбатан 40 % га ошган.

Корхонани ишлаб чиқариш фондалари, яъни асосий ва айланма маблағларини 2007-2009 йиллардаги рентабиллигини тахлил қилинган. Тахлил натижалари бўйича корхона фойдаси йилдан йилга ўзгариб борган, яъни 2007 йил 146055,6 минг сўмни, 2008 йил 277148,6 минг сўмни, 2009 йил эса 490118 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткичларни солиштирсак, 212970 минг сўмга ортган ёки 77% га ошган. Асосий воситаларни ўртача йиллик қиймати 2008 йилга нисбатан 67149 минг сўмга ёки 46фоизга ошган. Корхона айланма маблағлари қиймати 807974,5 минг сум ортган ёки 212 фоизни ташкил қилган. Махсулот ҳажми йилдан йилга ортган 2009 йил 2008 йилга нисбатан 888455 минг сўмга кўп иш бажарилган ёки 39 % га ошган, махсулот рентабиллиги 2009 йилда 15,42 % бўлган. Асосий фондлар сиғими коэффиценти 2008 йилда 0.063 ни ,2009 йилда 0,07 ташкил қилган. Ўтган йил билан солиштирсак 0,01 га тенг бўлган ёки 5 %га ошган. Айланма маблағлар сиғими коэффицентини йилдан йилга кўрсаткичлари ошиб борган 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 0.17 га ошган. Ишлаб чиқариш фонди рентабиллиги 2009 йилда 28,14 ни ташкил қилиб ўтган йилга нисбатан -3,84 га камайган ёки 88% ни ташкил қилган. Корхона айланма ва асосий фондлар ҳолатининг қандай эканлигини билиш учун, ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида унинг динамикасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Аммо айланма маблағлар динамикасини ўрганганда албатта, барча активлар динамикаси билан солиштириш ва барча

активларда уларнинг улуши қандай ўзгараётганини ҳам кузатиш бу борадаги хулосага анча ойдинлик киритади. Таҳлил қилинган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики

"Зийнаткор" КТХФнинг 2007-2009 йиллардаги айланма маблағлар билан таъминланганлигини таҳлилидан кўриниб турибдики, айланма маблағларнинг ўртача қиймати 2009 йилда 533193,9 минг сўмни, 2008 йилда 721439,1 минг сўмни, 2007 йилда 1529413,6 минг сўмни ташкил қилиб 2008 йилга нисбатан 112 % га ортган.

Корхонанинг иқтисодий самарадорлиги бу барча иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланиш демакдир. Масалан, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, харажатларни камайиши, фойдани ўсиш ва бошқалар. Биз битирув малакавий ишида таҳлил қилиб чиққан Зийнаткор КТИЧФ да ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун ташқи инвестицияни ва кўйидагиларни ишлаб чиқаришга жорий қилинса мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

- Корхона бошқарувида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш.
- Корхонада маркетинг хизматини ташкил этиш.
- Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;
- Меҳнатни рағбатлантириш;
- Корхона бошқарувидаги қарорлар қабул қилишда ходимлар иштирокини рағбатлантириш;
- Корхона бизнес стратегиясини қайта ишлаб чиқиш;
- Замонавий технология ва ускуналардан фойдаланиш;
- Ишлаб чиқаришда раҳбарликни ва маркетингни ташкил этиш;
- Корхонада дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қайтариш чора тадбирлар режасини ишлаб чиқариш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 17 мартдаги ПҚ-1073 сонли “Кризисга қарши дастурга киритилган қўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги Қарори
2. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси
3. Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Т.: -Ўзбекистон.- 2009.
4. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. -Тошкент.: "Маънавия", 2008.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.
6. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир” Жиззах ҳақиқати газетаси. 2010 й 30 январ
7. Абдукаримов И.Т ва бошқалар “Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили” Тошкент 2003
8. Абдурахмонов К.Х. ва бошқалар “Персонални бошқариш” Т, “Шарқ” 1998
9. Абдукаримов И.Т ва бошқалар “Молиявий хисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари” Тошкент 1999
10. Вахобов А.Б. ва б. “Молиявий ва бошқарув таҳлили” Шарқ:, Тошкент 2007

11. Додобоев Ю.Т ва бошқалар “Иқтисодий назария курси” Фарғона 2000
12. А.Ўлмасов, М.Шарифхужаев “Иқтисодиёт назарияси” Т “Меҳнат” 1995
13. Х. Раҳимова ва бошқалар “Меҳнатни муҳофаза қилиш” Т, “Ўзбекистон” 2003
14. Додобоев Ю.Т ва бошқалар “Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш” Тошкент 1999
15. Ғуломов С.С. ва бошқалар “Ходимларни бошқариш” Тошкент 2003
16. Ш. Зайнутдинов ва бошқалар “Персонални бошқариш” Тошкент 2008
17. Шарифхўжаев М.Ш, Абдуллаев Ё.А “Менежмент” Т, “Ўқитувчи” 2001
18. Корхонанинг 2007-2009 йиллардаги йиллик ҳисобот материаллари
19. “O’zbekiston iqtisodiyoti” журнали 2009-2010 йиллардаги сонлари
20. “Бозор пул ва кредит” журнали 2009-2010 йиллардаги сонлари
21. “Jamiyat va boshqaruv” журнали 2009 - 2010 йиллардаги сонлари
22. Халқ сўзи газетаси. 2009- 2010 йиллардаги сонлари
23. Солиқ ва божхона хабарлари газетаси 2009 - 2010 йиллардаги сонлари
24. Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш Қўмитаси маълумотлари
25. www.gov.uz. (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти)
26. www.gkas.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш Қўмитаси сайти)
27. www.soliq.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси)
28. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)
29. www.mf.uz. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги